



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ташкилий тузилмада муҳим ҳуқуқий асос

Юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш изчиллик билан давом этаётган бир пайтда ушбу жараённинг фаол иштирокчиси бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, мамлакатимиздаги кўп-лаб жой номларининг миллий маънавиятимизга мос тарзда қайта тикланишида 2011 йилнинг 12 октябрь куни қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни дастуриламал бўлмоқда. Юртимизда фаолият юритаётган ўн мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг номларини қайта қўриб чиқишда, шунингдек, фуқаролар йиғинлари фаолиятини тартибга солувчи «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонунда шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ҳамда номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг илтимосномалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгиллаган тартибда амалга оширилиши қайд этилган.

Шунга мувофиқ, Вазирлар Маҳ-

камасининг жорий йил 4 мартдаги «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорга асосан «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган бўлиб, унда мустаҳкамланган қоида ва мезонлар асосида маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш, тугатиш, чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва номини ўзгартириш тартиб-таомиллари назарда тутилган.

> [2]

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Йиғинлар ҳудуди бунёдкорлик майдонига айланади

Қариш шаҳридаги «Маҳаллот» фуқаролар йиғинида шаҳар ҳоқими Акмал Очилов ҳисобот берди. Йиғин аҳолиси иштирок этган тадбирда шаҳар раҳбари ҳудудда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳусусида тўхталди.



■ **Санобар БОЙМУРОДОВА**
«Mahalla»

Мазкур қарорга кўра, Қаршини янада гўзал, замонавий шаҳарга айлантириш мақсадида 2030 йилгача мўлжалланган бош режаси ишлаб чиқилгани, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар йиғилиш қатнашчиларидекотта таассирот уйғотди.

— Дастурга асосан шаҳар ҳудуди қарийб икки баробарга кенгайиши кўзда тутилган, — деди шаҳар ҳоқими. — Айни пайтда шаҳар атрофида узунлиги 56 км. халқа йўли қўрилиши бошлаб юборилди. У ишга тушиши билан оғир юк машиналари, кўпгина транспорт воситалари шаҳарни айланиб ўтади. Натижада ҳудудда ҳаракатланиш ҳавфсизлиги таъминланиб, экологик ҳолат сезиларли даражада яхшиланади.

Тадбирда ҳоким «Маҳаллот» маҳалласида кўзда тутилаётган бунёдкорлик ишлари, яратилаётган янги иш ўринлари ҳақида ҳам хабарот берди.

Иштирокчилар шаҳар раҳбаридан ўзларини қизиқтирган саволлар-

га жавоб олдилар.

Шунингдек, мазкур тадбирда маҳалла ҳудудида жойлашган 5-умумтаълим мактаби директори Абдурахмон Абдуллаевнинг ҳисоботи ҳам тингланди.

Қизгин баҳс-мунозаралар асосида ўтган тадбирда 44 нафар кўчабоши ҳамда ота-оналар иштирок этди. Дастлаб мактаб директори «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги бўйича амалга оширилган ишлар, таълим масканидоги ўзгариш ва янгилликлар, ўқувчиларнинг тартиб-интизоми, ҳулқи ва ўзлаштиришлари ҳақида батафсил айтиб ўтди.

— Мансабдор шахсларнинг маҳалламизга келиб ҳисобот бериши ҳар томонлама самарали бўляпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маматқул Пўлатов. — Бу аҳоли учун амалга оширилаётган ишлар, янгилликлар ва ўзгаришлардан хабардор бўлиш имконини берса, раҳбарлар учун эса жойлардаги муаммоларни ҳал этишда қулай фурсатдир.

Тадбирда жорий йилда мактабни тугатаётган 130 нафар ўқувчини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

БУГУН — УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ КУНИ



Ободлик ва кўркамлик ҳар кўча, хонадонда

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам Наврўз айёмини муносиб қутиб олишга пухта ҳозирлик кўрилаяптир. Кўча ва хийбонлар, шунингдек, турли ташкилот ва муассасалар, тураржойлар атрофлари тартибга келтирилиб, анвойи гул ва кўчатлар экилмоқда. Бу савбӣ-ҳаракатлар натижасида шахримиз қиёфаси янада кўркамлашмоқда.

СЕМИНАР

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги — долзарб вазифа

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, қўлга киритилаётган ютуқлар, халқимиз турмуш даражасининг муттасил ўсиши ёшларнинг буюк келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим кафолат бўлмоқда.

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»

Куни кеча Термиз шаҳрида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва ички ишлар профилактика назирларининг ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари» мавзусида уюштирилган сайёр семинарда бүгунги куннинг энг долзарб масаласи — юртимиз тинчлигини асраш, сарҳадлар

дахлсизлигини таъминлаш ҳақида сўз борди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган йиғилишда вилоят ички ишлар бошқармаси, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, вилоят маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, маънавият тарғибот маркази масъул ходимлари, «Камолот» ЁИХ, «Нуроний» жамғармаси раислари, шунингдек, Фонднинг вилоят бўлими, туман(шаҳар) бўлимчалари раислари, профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этдилар.

ЭЪТИРОФ

«Ўзбекона бағрикенглик, тантиликдан ҳайратдаман!»

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллилиги каби ажойиб фазилатлари ҳақида олдин ҳам ушбу заминда бўлган ҳамкасабаларимдан эшитган эдим.

■ **Пак ЧИ ИН,**
Тошкент давлат шарқшунослик институти корейс тили ўқитувчиси.

Юртингизга келиб эса бунга яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, ёшларга берилаятган эътибор, уларни миллий ғурур ва ифтихор, қадриятларга ҳурмат, она-Ватанга садоқат каби юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашларни ҳал этишда қулай фурсатдир.

Ёшлигимдан тил ўрганишга ва ўргатишга бўлган қизиқишим мени Ўзбекистонга чорлади. Ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик институтида корейс тилини ўрга-

нишга қизиқиши баланд талаба-ёшларга сабоқ берапман.

Таъкидлаш жоизки, талабаларнинг илм олишлари учун Ўзбекистонда барча шароитлар мавжуд. Шу билан бирга бүгунги авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларни турли маънавий тақдидлар гирдобига тушиб қолишининг олдини олиш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, комил инсонни шаклланиши учун кенг йўл очмоқда. Албатта, бунда «маҳалла» деб аталувчи ўзига хос институтнинг ўрни ҳам бекиёсдир.

Даставвал, бу сўзнинг маъносини, унинг қандай тузилма экан-

Таъкидлаш жоизки, маҳаллада кейинги йилларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўлами кенгайди. Ўз ўрнида, йиғиннинг Экология ва табиятни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси таркибида эл қорига камарбаста, фидойи инсонларнинг меҳнат қилаётгани ютуқларга омил бўлмоқда.

> [2]

ШАНБА

2014 йил 15 март,
№23 (990)

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Сертификатлар топширилди

Бўхоро вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари битирувчиларига сертификатлар топширилди.

■ **Акбар РУСТАМОВ**
«Mahalla»

Вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти биносидоги махсус жиҳозланган хоналарда ташкил этилган машғулотларда қатнашган фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларидан иборат 50 киши дастлабки тингловчилар бўлди.

Режага кўра, жорий йилда вилоятдаги 550 та маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган 2002 нафар ходимнинг 40 фоиздан ортиги, яъни 804 нафари мазкур курсларда таҳсил олади.

Ўқув жараёнлари вилоят олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва амалиётчи мутахассислар томонидан олиб борилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

«Бахшивой» байрамга бахшида

Пастдарғом тумани Арабхона қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Бахшивой» маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилиши Наврўз айёмида аҳоли учун муносиб тўхфа бўлди.

■ **Нилуфара ЮНУСОВА**
«Mahalla»

— Ушбу мўъжазгина замонавий тиббиёт муассасасининг ишга тушиши, биринчи галда, оилаларда тиббий маданиятни оширишга хизмат қилади, — дейди «Бахшивойи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулҳан Абиев. — Ҳозирда шифокорлар билан ҳамкорлик ўрнатиш учун режа ишлаб чиқмоқдамиз. Кексалар, ёшлар, оналар ва болалар соғлиғидан хабардор бўлишда патронаж ҳамширалари фаолиятини йўлга қўйиш учун барча ҳужжатлар тайёрлаб қўйилган.

Қишлоқ врачлик пунктида 29 нафар киши иш билан таъминланди. Муассаса «Бахшивойи» ва Камол Ражабов номи маҳаллалардаги тўққиз минг нафарга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Энг сўнгги русумдоги ташхис ва даволаш аппаратлари, лаборатория ускуналари ва бошқа воситалар шу ернинг ўзida беморларга аниқ ташхис қўйиш имконини беради.



> [2]



ган... Хуллас, ўзаро тотув ва ҳамжихат. Бошида бу ишларни қўшинининг ноқорлиги сабаб қилишса керак, деб ўйлар эдим. Талабалар билан сўхбатдан кейин эса асл ҳолатни тушуниб етдим. Бу ўзбекона бағрикенглик, тантилик, бир-бирини ёлғиз қолдирмаслик, ўзганинг тақдирига дахлдорлик ифодаси эканлигини билдим.

Хуллас, халқингизнинг ажойиб фазилатлари мени хануз ҳайратлантирмоқда ва буни сўз билан ифодалаш қийин. Мамнуният билан шуни айтишим мумкинки, бу каби болажон миллат, тақдирига бефарқ қарамайдиган, эртанги кунига ишонч билан боқадиган ёшлари бор юртнинг келажаги порлоқдир.



СПОРТЧИ ОИЛА

Шоҳсупа юқориси
аҳди қатъийларники■ Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Самарқанд туманидаги «Бўзи» маҳалласида эзгу ниятлар ила турмуш риштасини болаган Дамир Муҳитдинов ва Моҳина Юнусова оиласи ана шулардан биридир.

Моҳинани маҳалладошлари спортчи келин, деб аташади. Чунки у самбо-кураш билан шуғулланиб, 8 карра Ўзбекистон, 3 карра Осиё чемпиони бўлган. Турмуш ўртоғи Дамир ҳам спортнинг айнан шу тури бўйича 12 карра Ўзбекистон, 4 карра Осиё, 4 карра Жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган ёшлардан. Хар иккаласи ҳам халқаро тоифадаги спорт устаси. Уларнинг фарзандлари Муҳаммадони ва Ферде ота-она ортидан эргошишмоқда.

Моҳина оиласида ёлғиз қиз. Ундан кейин уч ўғил иниси бор: Азамат қўл жанги бўйича уч карра Ўзбекистон чемпиони, Амиршоҳ қаратэ, Афзалшоҳ эса самбо-кураш билан шуғулланишди. Улар ҳам бир қанча мусобақалар совриндори. Ушбу оила учун спорт энг сеvimли машғулот ҳисобланади. Ота — Мавзуд-

Соғлом ва маънан етук фарзандларни вояга етказишда спортнинг аҳамияти беқиёс. У инсонни жисмонан чиқиштириш билан бирга ақлини чарчлайди ҳам. Юртимизда шундай спортчи оилалар борки, улар жаҳон ареналарида бир неча бора шоҳсупанинг юқори поғонасини забт этишга муваффақ бўлишган.

дин қаратэ, она — Шойиста мерганлик бўйича бир қанча мусобақаларда юқори натижаларга эришганлар.

Бугунги кунда Дамир билан Моҳина эл осойишталиги йўлида бел боғлашган. Хар иккаласи ҳам ички ишлар тизимида фаолият кўрсатишмоқда.

— Маҳалламизда спортда яхши натижаларга эришган Д. Муҳитдинов сони 10 нафарга етиб қолди, — дейди «Бўзи» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдурашад Иброҳимов, — Дамир билан Моҳинанинг маҳалламиздаги ёшларни спортга жалб этишда хизматлари катта. Ҳозирда уларнинг юз нафарга яқин шогирдлари бор.

Спортда катта ютуқларга эришган Д. Муҳитдинов ва М.Юнусова эндиликда ўз фарзандлари, шогирдларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлида хизмат қилмоқда. Зеро, соғлом авлодни вояга етказиш хар бир ота-она, устоз ва мураббий, жамият аъзосининг Ватани олдидagi бурчидир.

Яна бир хушxabар. Яқинда Тошкентда аёллар ўртасида ўтказилган самбо-кураш бўйича республика мусобақасида Моҳина Юнусова фахрли 2-ўринни эгаллади.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

Ҳамма бир-бирига дўсту қадрдон

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида: «Биз хар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз», дея таъкидлаганлар.

■ Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Усмон Носир номи маҳаллада 2,7 минг нафардан зиёд фуқаро истикомат қилади. Ининда рус, украин, татар, корейс, белорус, хитой, қозок, қирғиз миллати вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечириб келишмоқда. Уларнинг ўзига хос удумлари, урф-одат ва анъаналари бор.

— Маҳаллани катта бир оиллага қиёслаш мумкин, — дейди мазкур йиғин раиси Дилбор Султонова. — Чунки унда яшашган хар бир инсоннинг ҳаёти, қувончу тошвишлари доимий эътиборимизда. Халқимизга хос инсонийлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат каби фазилатлар маҳалла ҳаётида ўз ифодасини топишмоқда. Шахсон ўзим ҳам уйғур миллати фарзандиман. Кўп йиллик фаолиятим давомида юртимизда бирор-бир миллатнинг камситилганини кўрмадим. Худудда яшашган ўзга миллат вакилларининг хар қандай муаммоларини ҳал қилиб беришга имкон қадар ҳаракат қиламиз. Аҳолининг оғирини енгиллатиб, уларга оз бўлса-да, ёрдамимиз тегашганидан мамнунмиз.

Бир оила аъзолари каби умргузаронлик қилаётган қардош халқлар вакиллари билан Наврўз байрамини хар йили шоду хушраам қарши оламиз. Бу

йил ҳам миллий таом — сумалак тайёрлашни режалаштирганимиз. Қувонарлиси, бу ердаги фуқаролар билан яқиндан танишсангиз, уларнинг исм-шарифлари ҳам ўзбекча, ўзлимизга хос эканига гувоҳ бўласиз.

— Маҳаллада истикомат қилаётганимга яқинда 55 йил тўлади, — дейди Ирина Азимова. — Бу юртининг одамлари самимий, меҳмоннавоз. Ўзбекларнинг

ширинсўхланлиги, бағрикенглиги, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишини қадрлайман. Айниқса, менга тўй-ҳашамлар ёқади. Қўшниларим тўй бошлагудек бўлса, гўёки ўзим тўй қилаётгандек хурсанд бўламан. Сабаби, уларнинг миллий урф-одатлари, қадриятлари жуда гўзал.

Маҳаллада ўтказиладиган байрамларда ҳам қўни-қўшниларнинг бирдамлиги сезилиб туради. Украин, қозок, татар, арман, қирғиз, корейс тилларида янраган куй-қўшиқларга ҳамма бирдай рақсга тушади.

Дарҳақиқат, Усмон Носир номидаги маҳалла аҳолининг аҳиллиги халқимизга хос меҳр-муҳаббат эзгу мақсад ва ниятлар рўёбидан далолат.



МАКТУБ

«Эътибордан кўнглим ғоят шод»

Тахририятимизга фуқаролардан турли мавзулардаги мурожаатлар билан бирга, миннатдорлик хатлари ҳам келиб туради. Яқинда Урганч шаҳри Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2-а уй, 67-хонадонда истикомат қилувчи Л.Малышевадан ҳам ана шундай мактуб олдик.

Унда фуқаро Наврўз байрами арафасида маҳалла фаолларининг йўқловидан хурсандлигини билдириб, юртимизда пенсионерларга кўрсатилаётган бундай ғам-хўрликдан ўз миннатдорлигини изҳор қилган.

Урганч шаҳридаги 31-сон «Гулчилар» маҳалласи раиси

Ш.Машарипова ҳамда фуқаролар йиғини фаоллари пенсионерга яхши муносабатда бўлаётгани ҳам хатда ўз ифодасини топган. Муаллиф маҳалла раисини яхши раҳбар, деяр таърифлаб, унинг худудни доимо кўздан кечиришини, юзюга келган муаммоларни жойида бартараф этишини

қайд этган. Мактубда «Ёнига қандай масалада борманг, раис сўзларингизни диққат билан эшитиб, ўз ёрдамини аямойди» деган жумлалар бор. Шунингдек, Л.Малышева шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандликка қўмаклашиш бошқармаси бошлиғи М.Отажонов, Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоя маркази директори Б.Қурбонов ҳамда унинг ҳамкасблари: ижтимоий ҳимоя бўлими бошлиғи Н.Юсупова, И.Муротова

ва М.Сапарбоеваларнинг фаолиятларини эътироф этган. «Улар мени тадбирларга таклиф этишди, совгалар тақдим этишди, сиҳаттоғда дам олишим учун йўллама ажратишди ва уй ишларида қўмаклашишди» дейилади миннатдорлик мактубида.

Бир сўз билан айтганда, кишиларнинг маҳаллий ҳокимлик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини розилиги жойларда ислохотларнинг ҳаётга тўғри ва саморали татбиқ этилаётганидан далолатдир.



Жавобга жавоб зарба

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо сектори худудидидаги 29 та объектга ракета зарбалари берган.



Амалиёт Ғазо секторидан Исроилга ёдиррилган ўнаб ракеталарга жавобан ўтказилган. Ракеталар Фаластин мухториятининг мазкур қисмини назорат қилган ХАМАС ҳаракати ҳамда «Испомий жиҳод» хар-

бийлашган қаноти — «Ал-Ақсо жафокашлари бригадаси» бинолари жойлашган маззеларга йўналтирилган. Унинг оқибатлари ҳусусида маълумот берилмаган.

Илгари ОАВ ХАМАС исроилликларнинг махсус амалиёти эҳтимоли туфайли Ғазо секторидидаги биноларида эвакуация эълон қилинганини билдирганди. Бир кун олдин эса «Испомий жиҳод» гуруҳи ўзининг уч нафар аъзоси исроиллик ҳарбийлар томонидан ўлдирилганига жавоб тарзида ракеталар ёдирганди.

Бутловчи қисмларга буюртма

Покистон мудофаа вазирлиги C-130B/E Hercules ҳарбий-транспорт самолётларини янгилаш ва тегишли бутловчи қисмларини етказиш учун АҚШга буюртма берди.



Шартнома баҳоси юз миллион долларни ташкил этади. Натижада

бийи турдаги самолётлар умри 10-15 йилга узаяди.

Янгиланадиган қисмлар борт радиоэлектрон ускуналари ва двигателларга хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари, самолётлар конструкцияси, қанотлари жиҳози бирмунча яхшиланади.

Ҳозирда Покистон ҳарбий ҳаво кучларида 16 та C-130B/E ва L-100 ҳарбий-транспорт самолёти мавжуд.

Газнинг вайронкор кучи

Нью-Йоркда маиший газ портлаши оқибатида қурбон бўлганлар сони олти нафарга етди.



74 нафар киши жароҳатланган. Бир аёл ва боланинг аҳволи оғир. Яна бир қанча киши дорақсиз йўқолган, деб топишган.


Шарқий Гарлемда содир бўлган портлаш натижасида қўшни беш қаватли тураржой вайрон бўлган. Суриштирув ишлари давом этмоқда.

■ Интернет материаллари асосида М.ЖўРАҚУЛОВ тайёрлади.

ЯНГИ ФИЛЬМ

«Хонадон эгаси»
экранда

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи кино саройида ёзувчи Эркин Абсам сценарийси асосида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси бўйича «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Хонадон эгаси» бадиий фильмининг премьералди намойиши ва унинг ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани бўлди.

■ Шуқур ЖАББОРОВ
«Mahalla»

Фильмда бугунги куннинг долзарб мавзулари — оила аъзолари, қариндошлар орасидаги меҳр-оқибат, одамлилик, инсоф, диёнат, муҳаббат ёрқин лавҳаларда ифодаланган. Хонадон бошлиғи, уста Зухриддин нафақага чиқ-

қан, бунинг устига ногирон бўлса-да, тиниб-тинчимайди — сават тўкиб, дўсти Афзал қаққон ёрдамида бозорга чиқаради. Лекин хонадонни ўзи истаганидай тинч эмас. Турмушга узатган қизи Латофат ҳам бир ўғли билан шу ерда яшайди. Мўмай пул топаётган ўртанча ўғил Наримон эса тутишганларини менсимай қўяди. Аста-секин фарзандлар ўртасида ғоп қолади. Ота эса уларни мурасига келтирилмайди, ўзининг ва довлатидан ўғлининг пулидан бошқа жигарғўшаларига ёрдам бергиси келади...

Кейинги пайларда кинохоткорлар томонидан яратилган мазмун-моҳияти юқори совиядаги фильмлар кўпайиб қолди. Ҳаммабоб «Хонадон эгаси» асари бугуннинг долзарб муаммоларини ўзига ифодалагани билан ажралиб туради.



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

Қўйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муқддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«БАҲОР — 2014»

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«РАЙЗАМ — 2014»

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) миллий валютада 62 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Марғилон филиали	373 237-12-37	Самарқанд вилоят филиали	366 231-08-86
Шайхонтоҳур филиали	371 140-39-36	Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Афросиёб филиали	366 221-77-56
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Қўқон филиали	373 552-61-04	Қашқадарё вилоят филиали	375 221-12-93
Сирғали филиали	371 258-67-49	Наманган вилоят филиали	369 226-94-75	Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Навоий вилоят филиали	436 223-54-32	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-59
Андижон вилоят филиали	374 224-40-96	Зарафшон филиали	436 573-18-78	Хоразм вилоят филиали	362 226-97-78
Асака филиали	374 233-13-69	Бухоро вилоят филиали	365 223-71-94	Сирдарё вилоят филиали	367 226-44-03
Фарҳод филиали	374 226-97-53			Жиззах вилоят филиали	372 225-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ қафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгиз сақланишини ва қўпайишини қафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

